

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил январь ойининг 28 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди “Ёшлик” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, Х.Халиковнинг раислигида, А.Шайзаковнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Абдуалиев ва (судланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилувчи) адвокат А.Хусаиновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган:

23.04.1971 йилда Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 15.08.2006 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони тўлиқ ўтаган,

2) жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 15.10.2010 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 24.07.2013 йилдаги ажримига кўра тайинланган жазо ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, 14-даҳа, 27-уй, 15-хонадонда яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 30.12.2024 йилда олган **Кенжаев Бахтиёр Юлдашевич** (Kenjayev Baxtiyor Yuldashevich)га

нисбатан 1-1102-2501/15-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

2024 йил 12 ноябрь куни соат 18:20 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, Бекобод шаҳар 14-даҳадаги “Зиёда” тўйхонаси олдида Кенжаев Бахтиёр Юлдашевичнинг куртқасининг олд чап чўнтагидаги “Pall-Mall” сигарета қутисининг ичида оқиш рангли полиэтилен пакетчага ўралган жигарранг, ўзига хос хидга эга бўлган гашиш гиёҳвандлик восита борлиги аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 14.11.2024 йилдаги № 252-сонли ҳулосасига кўра, Б.Кенжаевнинг куртқасининг олд чап томон чўнтагидан олинган “Pall-Mall” сигарета қутиси ичида бўлган оқиш рангли полиэтилен пакетчага қадоқланган ўрамча ичидаги тўқ жигарранг, наша гиёҳвандлик



ўсимлигининг ҳидига ўхшаш ўткир ҳидга эга, прессланган восита – наша ўсимлигининг гулкосачабарларидан махсус усулда ажратиб олинган, таркибида фаол тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддаси моддаси бўлган гашиш гиёҳвандлик воситаси деб аталиши, унинг соф вазни 0,23 граммни ташкил қилиши аниқланган.

Гашиш – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомилада бўлиш юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисидаги” 2015 йил 12 ноябрдаги ВМҚ №-330-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги 2018 йил 27 октябрдаги ВМҚ №878-сонли қарорининг 2-рўйхатига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилиши кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Кенжаев Бахтиёр Юлдашевич** эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил 12 ноябрь куни соат 18:00ларда ўзини яшаш хонадонига қараб пиёда ҳолда ҳаракатланиб, Бекобод шаҳар Ёшлик маҳалласида жойлашган “Зиёда” тўйхонаси олдидан ўтиб кетаётган вақтида, уни олдида икки нафар ИИБ ППХ ходимлари икки нафар холислар билан келишиб, уни шахсига аниқлик киритиш учун Ёшлик МФЙ идорасига таклиф қилишганликлари, сўнг эса профилактика инспектори хизмат хонасида ундан олдида ноқонуний равишда сақланаётган нарса ёки буюмлар бор ёки йўқлигини сўрашган вақтда, у ИИБ ходимларига ёнида ҳеч қандай ноқонуний равишда сақланаётган нарса ва буюмлар йўқлигини маълум қилгани, ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида унинг уст-бош кийимини кўздан кечиришганида, унинг эғнида бўлган қишки куртқасини олд чап чўнтанидан бир дона “Pall-Mall” ёзувлари бўлган сигарета қутиси чиққанлиги ва унинг ичидан оқиш рангли полиэтилен пакетчага ўралган жигар рангли, ўзига хос бўлган восита борлиги аниқланганлиги, шунда ИИБ ходимлари ушбу нарса нима эканлигини ва қаердан олганлигини сўрашган вақтларида, у уларга жавобан ушбу восита наша ўсимлигининг бошчасини кўл бола усулда эзилиб тайёрланган эканлигини ва уни ўзини истеъмоли учун Сирдарё дарёсини ёқасидан териб олганлигини айтганлиги, сўнг ИИБ ходимлари холислар иштирокида ушбу нарсани ундан далилий ашё тариқасида олишиб, назорат тартибида электрон тарозида ўлчаб кўришган вақтларида, унинг вазни 5,7 грамм эканлигини аниқланганлиги, сўнг эса у бўлган ҳолат юзасидан ҳимоячи иштирокида тушунтириш хати ёзиб берганлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Суд, давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрларини, судланувчи берган кўрсатувларни тинглаб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи Б.Кенжаевнинг айби, ўз айбига иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳнинг кўрсатувлари, нарсани кўздан кечириш баённомалари, судга оид кимёвий экспертнинг 14.11.2024 йилдаги 252-сонли ҳулосаси, кўрсатмаларни воқеа жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани ашёвий далил сифатида қабул қилиш ва кўздан кечириш баённомаси, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа



объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Кенжаев Бахтиёр Юлдашевичнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, ташиш ва сақлашликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Б.Кенжаевга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, муқаддам судланганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда унга модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида Б.Кенжаевдан олинган 0,23 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси тадқиқот давомида тўлиқ сарфланганлигини инобатга олишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**Кенжаев Бахтиёр Юлдашевич** (Kenjayev Bahtiyor Yuldashevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **1 йил 6 ой** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ пробацция гуруҳи белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати Б.Кенжаев ИИБ Пробацция гуруҳи томонидан ишга жойлаштирилган кундан эътиборан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар ИИБ пробацция гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Кенжаев Бахтиёр Юлдашевичга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида Б.Кенжаевдан олинган 0,23 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси тадқиқот давомида тўлиқ сарфланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 (бир) дона DVD диски жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланган шахс ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши, ушбу муддат ўтгандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:  
Аслига тўғри:

Х.Халиков

